

“ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ИНДУСТРИЯСИ ВА УЛАРНИ МУТАНОСИБ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ”

Ережепов Кууанышбай Жиенбай угли
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий
мактабининг Қорақалпоғистон Республикаси
худудий филиалининг бош мутахассиси
тел. +998 99 318 96 62

Ҳозирги замон туризми- бу иқтисодиётнинг ажралмас бир соҳаси бўлиб, туристларнинг ҳаракатланиши, вақтинча яшаши ва дам олишини ташкил қилиш билан шуғулланадиган, бунинг учун уларга турли хизмат кўрсатишга мўлжалланган бир қанча ташкилотлар ва корхоналар индустриясидир. Туризм- бу халқаро миқёсда ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида намоён бўлмоқда. Чунки ХХІ аср дунё аҳолисининг жаҳон миқёсида туристлик оқим билан ҳаракат қилиш асри бўлиб бормоқда. Бу аҳолининг доимий яшаш жойидан узоқроққа саёҳат қилиш, дам олиш, турли минтақалардаги маданиятларни ўрганиш каби мақсадларда ҳаракатланиш эҳтиёжининг кўпайганлиги билан боғлиқ бўлмоқда.

Президентимиз томонидан туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорлар тадбиркорлар учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Берилаётган имтиёзлар, молиявий қўллаб-қувватловлар натижасида кўплаб ташаббускор фуқаролар ўз ғояларини ҳаётга татбиқ этиб, маҳаллий ва халқаро туризм хизматларини йўлга қўймоқда. Ана шундай қўллаб-қувватлов асосида ўз фаолиятини бошлаган тадбиркорлар нафақат ўз бизнесини ривожлантирмоқда, балки янги иш ўринлари яратиб, худуд иқтисодиёти ва туризм салоҳияти ошишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Аннотация: Туризм дунё мамлакатлари эътиборидаги соҳа. Шу туфайли ушбу соҳа билан боғлиқ айрим масалаларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Туризм соҳасида ишлатиладиган атамалар таърифлари келтирилган ҳамда мазмуни ёритиб берилган.

Туризм- это сфера внимания мировых стран. В связи с этим исследованы некоторые вопросы, касающиеся данной сферы теоретически и практически. Приведены термины, применяемые в сфере туризма, даны их определения.

Tourism is the sphere of attention of the world countries. In this regard, we study some questions concerning this sphere of theory and practice. Article contains terms used in the field of tourism, given their determination.

Калит сўзлар: турист, саёҳатчи, туристлик индустрия, меҳмонхоналар индустрияси, туристик фаолият, турагент, турагентлик фаолияти, туроператор,

туроператорлик фаолияти, туристик маҳсулот, транстур, туристик йўлланма, ваучер аннуляция, туристик товар.

Кириш. Умуман олганда, дунё миқёсида туризмга катта аҳамият берилиб, бунда “Бутун жаҳон сайёҳлик ташкилоти” (БЖСТ) фаолиятини таъкидлаш жоиз. Дунёнинг туристик ресурсларга бой барча давлатлари ушбу ташкилотнинг аъзосидир. Мазкур ташкилот томонидан 1979 йил Торремолинос шаҳрида (Испания) ўтказилган Бош ассамблеясида 27 сентябрь- “Халқаро сайёҳлик куни” деб эълон қилинди. Ушбу сана ҳозирги кунда дунё миқёсида нишонланади. Шу куни дунёнинг кўпгина давлатларида турли анжуманлар, конференция ва бошқа бир қанча тадбирлар бўлиб ўтади. Улар жаҳон туризм истиқболлари атрофлича муҳокама қилинади. Мавжуд муаммолар ўртага ташланиб, уларнинг ечими таҳлил этилади. Соҳани ривожлантириш бўйича жуда кўплаб таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Бундай тадбирлар Ўзбекистон учун жуда катта аҳамиятга эга. Чунки мамлакатимиз сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёнинг етакчи 10 та мамлакатлари қаторида туради. Мамлакатимизда 4 мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Туризм билан шуғулланадиган сайёҳлик ташкилотларининг сони бугунги кунда 800 дан ошиб кетган. Буларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Хуллас, туризм дунё мамлакатлари эътиборидаги соҳа. Шу туфайли ушбу соҳа билан боғлиқ айрим масалаларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилишни тақозо қилади. Чунки, туризмда асосий ролни турист ўйнайди. Турист бўлмаса, туризм ҳам бўлмайди. Аммо ушбу соҳада қўлланиладиган атамаларда ҳам ҳали анча чалкашликлар мавжуд. Улардан бири турист ва саёҳатчи каби субъектлардир. Улар кўп ҳолларда синоним сифатида ишлатилади. Аммо улар бир хил тушунчалар эмас.

Турист- бу соғломлаштириш, ўз билимларини ошириш, касбий-ишбилармонлик, спорт, диний ва бошқа мақсадларда 24 соатдан 6 ойгача муттасил ёки бир кечадан кам бўлмаган муддатда бошқа жойда ётадиган ўзга давлатга ёки ҳудудга боровчи шахсдир. Туристлар таркибига назар ташлайдиган бўлсак, уларга хизмат сафарига боровчилар, конгресс, симпозиум, дам олишга, муолажа олишга, оилавий шароитларидан келиб чиқиб, қариндошларини кўришга ва диний қарашларига қараб турли зиёратларга ҳамда турли кўнгилочар жойларга боровчи шахслар киради.

Таъкидланганидек, туризмда кўп ҳолларда “саёҳатчи” атамаси ишлатилади. Бунинг туристдан фарқи бор, буни англаш учун унинг таърифига назар соламиз.

Саёҳатчи деганда, соғломлаштириш, ўз билимларини ошириш, касбий-

ишбилармонлик маҳоратини кўтариш, спорт, диний ва бошқа мақсадларда бошқа жойга 24 соатдан, яъни бир кечадан ошмайдиган тунаб ётиб қолмайдиган фуқароларнинг бўлиши тушунилади. Булар ҳам туристик ресурслар ва туристик индустриянинг бошқа объектларидан тўлиқ фойдаланади. Аммо амалдаги тартиб бўйича булар туризмга киритилмайди ва туризм статистикасини қайта кўриб чиқиш ва уни замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришни тақозо қилади.

Туристтик индустрия атамаси меҳмонхоналарни ёки бошқа жойлаштириш жойларини, транспорт воситаларини, умумий овқатланиш корхоналарини, турли кўнгилочар объектлар ва марказларни, билимларни кенгайтириш, ишчанликни оширишга қаратилган муассасаларни, спорт ва бошқа объектларни, туроператорлик ва турагентлик фаолиятини юритувчи субъектларни, шунингдек, сайёҳлик хизматларини кўрсатувчи гид-таржимонлик муассасалари кабиларни ўз ичига олади. Ушбу ҳолатга ҳўжалик юритувчи субъект сифатида қарайдиган бўлсак, унинг таркибига меҳмоналар, умумий овқатланиш ташкилотлари, саёҳат ва экскурсия бюрolari, турфирмалар, автотранспорт ташкилотлари, музейлар, киносервис, маиший хизмат корхоналари, томоша, спорт ҳамда саломатлик марказлари кабиларни киритиш мумкин. Ушбу туризм индустриясини ташкил этувчилар таркибига гид-таржимонлар, хусусий туроператорлар ва турагентлар ҳам киради. Туризм индустриясида меҳмонхона индустрияси ҳам салмоқли ўринга эга. Ушбу атаманинг таърифини қуйидаги тарзда беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Меҳмонхоналар индустрияси- юқорида таъкидланганидек, ўз таркибига меҳмонларни тантана билан қабул қилиш, уларнинг вақтинча яхши яшашини таъминлашга қаратилган хизматларни кўрсатиш билан шуғулланадиган қонунчилик билан белгиланган тартибда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига ва тегишли хоналарга эга бўлган юридик ва жисмоний ўахсларни қамраб олади. Меҳмонхона индустрияси меҳмонларни қабул қилиш тармоғи сифатида миллатимизнинг энг қадимий анъаналардан бўлиб ҳисобланади. Меҳмондорчилик, инсоният тамаддуни тарихида барча формацияларга тааллуқли бўлган жараёнدير. Инсоният пайдо бўлибдики, меҳмондорчилик мавжуд. Худди шундай туризм ҳам қадимдан бор нарса, аммо улар туризм соҳаси сифатида тан олинмаган. Туризмда туристик фаолият атамаси ҳам диққатга сазовор иборалардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки, туризм айнан шу фаолият орқали амалга оширилади.

Туристтик фаолият атамаси қамраб олувчи характерга эга бўлиб, туризмни ташкил қилиш билан шуғулланадиган туроператорлик ва турагентлик фаолиятларини ўз ичига олади. Шунингдек, мазкур атаманинг мазмунига саёҳатларни уюштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва саъй-ҳаракатлар билан

боғлиқ жараёнларни ҳам киритиш мумкин. Туризмда турагент асосий ўринга эга. Шу туфайли унинг тушунчасини қуйидагича изоҳлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Турагент (туристик агентлик) деганда, туристик хизматларни (бирламчи) сотувини амалга оширувчи ташкилот ёки жисмоний шахс бўлиб, турларни уларнинг истеъмолчиларига- туристларга ёки корпоратив миждозларга таклиф этувчи шахс тушунилади. Мазкур шахс ўз фаолиятини турагент сифатида амалга оширади.

Турагентлик фаолияти деганда, туристик хизматларни истеъмол қилувчи ва мазкур хизматларни кўрсатувчи субъектлар ўртасида воситачи ролини амалга оширадиган, ўзлари эса бевосита туристик хизматларни амалга оширмайдиган субъектлар фаолияти тушунилади. Мазкур фаолиятни амалга оширишда туроператорлар маҳсулотларига таянилади.

Туроператор деганда, туристик маҳсулотни шакллантириш бўйича ишларни амалга оширувчи (ҳосил қилувчи ёки лойиҳалаштирувчи), уларнинг бозордаги ҳаракатини таъминловчи юридик ёки жисмоний ўахс мақомига эга субъектлар тушунилади. Туроператор ҳам ўз мақсадини туроператорлик фаолияти орқали амалга оширади.

Туроператорлик фаолияти туристик маҳсулотни шакллантириш бўйича ишларни амалга оширувчи (ҳосил қилувчи ёки лойиҳалаштирувчи), уларнинг бозорда ҳаракатини таъминловчи туроператор фаолиятини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс мақомига эга субъектлар фаолияти тушунилади. Бу фаолият бевосита туристик фаолиятнинг таркибий қисмини ташкил қилади.

Туристик маҳсулот деганда, ўз ичига аниқ бир саёҳат бўйича турист талабларини қондиришга қаратилган моддий ва номоддий ресурсларни истеъмол қилиши учун истеъмол нархларини ўз ичига қамраб оладиган комплекс масалалар тушунилади.

Шуни эътироф этиш керакки, ушбу атамалар ҳар бири ўзига хос хусусиятга эгалиги билан бирга бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалардир. Шу жиҳатдан бир-бирини тўлдириб боради. Масалан, “Турист” атамасига халқаро туристик амалиётида кенг маънода қаралади ва турлича талқин қилинади. Бу атама француз тилидан олинган бўлиб, унинг таржимаси “сайр қилиш” маъносини билдиради. Албатта, сўз бўш вақтда саёҳат қилиш ҳақида бормоқда. Инсонларнинг турист ёки сайёҳ сифатида ҳаракатланиши мазмун жиҳатидан бир хил. Уларнинг фарқи фақат вақт ўлчови билан белгиланади. Турист бегона жойда бир суткадан ортиқ вақтда, яъни 24 соатдан кўп вақт мобайнида бўлиши лозим бўлса, сайёҳ эса, бегона жойда шунга кам вақт давомида бўлади. Иккаласи ҳам инсонлар дам олишнинг фаол турларидан бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, дам олишга бўлган эҳтиёжнинг ошиши туризмнинг дунё миқёсида оммалашиб кетаётган соҳалардан бирига айланиб бораётганлигидан далолатдир.

Туризмда туристларнинг мақсади асосий ролни уйнайди. Масалан, туристлар юзлаб чақирим оғир йўللари босиб ўтиб, тоҳ бинафшаси устига шудринг тушишини томоша қилиш, арчадан таралган фитансид моддасининг ҳидидан баҳраманд бўлиш учун Зомин ва Чотқол тоғларига чиқадилар ёки экологик жиҳатдан соф тоғ ҳавосида ётиб ухлаш учун Бахмал ёки Бўстонлик туманларига борадилар. Улар турли минтақаларда қуёшнинг чиқиши ва ботишини кўришни ёки чароғон осмонда юлдузларнинг нурларидан баҳраманд бўлишни хоҳлайдилар. Шу мақсадларини амалга ошириш учун табиат қўйнига экологик тоза ва мусаффо жойларга сайр қилишни ёқтирадилар. Буларнинг ушбу истакларини қондириш учун туризмнинг асосий йўналишларидан бири бўлган экологик туризмни ривожлантиришни тақозо қилади.

Ҳозир кўпчиликка аёнки, тоза ҳавода дам олиш, сайр қилиш одамнинг саломатлигига жуда фойдали, танасига янги энергия беради, кучига куч қўшади. Энг муҳими, шундай йўллар билан инсонларнинг саломатлиги тикланади. Бундай руҳият ва шароит ҳаётининг сифатини белгилайди.

Туристларнинг кайфиятини кўтарадиган, уларни жалб қиладиган нарсалар туристик ресурслардан иборатдир. Булар таркибига табиий, тарихий, маданий, ижтимоий ва курорт каби объектлар киради. Мазкур туристик ресурслар туристларнинг ғоявий талабларини қондирадиган, уларнинг жисмоний кучларини тиклашга қаратилган ва инсон тақомилига ҳамда ривожланишига кўмак берадиган омилларга киради. Ушбу омиллардан самарали фойдаланиш минтақада, давлатда туризмни ривожлантириш имконини бериш билан бирга, уларнинг иқтисодиётини юксалтиришга ҳам катта ҳисса қўшади.

Туризмнинг ривожланишида туристик маршрутлар катта роль ўйнайди. Дунёда машҳур анъанавий маршрутлар бор ва уларда йил бўйи минглаб туристлар қатнашадилар. Аммо соҳани ривожлантириш учун янги-янги маршрутларни очиш ва уни дунё аҳлига етказиш керак. Бунда, албатта, туристик рекламанинг аҳамияти жуда катта. Шу туфайли мамлакатимизда туристик рекламани такомиллаштириш борасида ҳам кенг кўламли ишларни амалга оширишимиз лозим.

Маълумки, туризмнинг ривожланишида меҳмонхоналарнинг ўрни катта. Ҳозирги кунда меҳмонхоналарнинг кенг тармоғи, турбазалар, пансионатлар, лагерьлар ва кемпинглар, тоғдаги уйлар- туристлар хизматида. Уларнинг хизматини туризмга дахлдор бўлган инструкторлар, йўл кўрсатувчилар ва экскурсоводларнинг катта армияси бажаради. Саёҳатга чиқишни хоҳлаган битта гуруҳга туристларни бирлаштирувчи минглаб туристик фаолият билан

шуғулланувчи субъектлардан биттасигина хизмат қилади. Қолган субъектлар бошқа гуруҳни кутишига тўғри келади. Шу туфайли туризмни ривожлантириш учун ўзимизда катта имконият мавжуд. Чунки, туристларни кутиб олиб кузатиш учун куч ҳам етарли, туристларга кўрсатадиган туристик объектлар ҳам керагича мавжуд ва ниҳоят, туризмни ривожлантиришга бел боғлаган тадбиркорлар синфи ҳам шакллланган.

Туризмнинг турли кўринишларидан бири пиёдалар туризмидир. Ушбу туризм фақатгина инсонни табиатга яқинлаштирибгина қолмасдан, балки унинг дунёқарашини кенгайтирувчи, янги учрашувлар, янгича таассуротлар берувчи, тана соғлигини ва руҳиятини мустаҳкамловчи восита ҳамдир. Шу туфайли мазкур туризмни ривожлантириш ҳам катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда пиёдалар туризми оммавий ҳисобланади. Туристлар ҳаракатланиши нуқтаи назаридан ҳам бир қанча турларга бўлинади. Мамлакатимиз ички туристлари асосан автомобиль ва темирйўлларда ҳаракатланишади. Чикувчи туристлар темирйўл ва ҳаво йўлларида фойдаланишади. Маҳаллий аҳоли пиёда саёҳат қилишса, ташкил қилинмаган шаклдаги туризм вакиллари асосан шахсий автомобилларда сайр қилишни маъқул кўрадилар. Шу туфайли туристик маршрутларга турист фақат рюкзак билан эмас, жамадон ҳам кўтариб боради. Булар темир йўл бўйича махсус вагонларда саёҳат қилувчи туристлардир. Тарихий ва маданий обидаларни томоша қилиш учун туристлар поездининг маршрути бир ҳафтага ёки икки ҳафтага ва ундан ҳам кўп муддатга мўлжалланган бўлиши ҳам мумкин. Барча харажатлар туристик маршрутнинг таннаригига киритилади.

Туризмнинг иқтисодиётдаги аҳамияти жуда катта. Шу туфайли бор имкониятдан фойдаланиш эвазига туристларни жалб қилиш ва ўзининг туристик ресурсларидан самарали фойдаланиб иқтисодиётини юксалтиришга бел боғлаган туристик ҳудуд учун туристлар сонини кўпайтириш ва уларга намунали хизмат кўрсатишни ташкил қилиш лозимдир.

Булардан ташқари, ҳар бир саёҳни туристга айлантириш масаласи ҳам, яъни уларни мазкур ҳудудда 24 соатдан ортиқ тунаб қолишини таъминлаш ўта муҳим ва жиддий масалалардан биридир. Буни амалга оширишда туризмнинг таркибий қисми бўлган туризм индустриясининг аҳамияти катта.

Туризмда транстур, деган тушунча бор. Унинг мазмуни қуйидагилардан иборат. Транстур деганда, туристларнинг тур ҳаракати туристлар гуруҳлари шакллантирилган жойдан, яъни маршрут бўйича биринчи пунктдан охиригача ва охиригисидан янабошлаган жойигача бўлган масофани босиб ўтиши тушунилади.

Мазкур дастур бўйича хизмат кўрсатишни туризм менежери гид-таржимонлар билан ҳамкорликда олиб боришлари мумкин. Турист-экскурсия ва мазкур хизматларни олиш ҳуқуқини берадиган турист ёки туристлар гуруҳи

учун бериладиган турист ёки туристлар гуруҳи учун бериладиган ҳужжат туристик йўлланба ҳисобланади.

Туристтик йўлланба ўз ичига қуйидаги маълумотларни қамраб олиши кўзда тутилиши мумкин:

- саёҳат тўғрисидаги маълумотлар;
- турист ҳақидаги маълумот;
- туристнинг паспорти;
- маршрутнинг қисқача таърифи;
- қўшимча маълумотлар.

Чет эл туристларига хизмат кўрсатишни таъминловчи ва фирмалар билан ҳисоб-китоб қилиш учун асос бўладиган ҳужжат- ваучер, деб аталади.

Туризмда ва бошқа тармоқлар сингари турли ҳодисалар ва кутилмаган жараёнлар бўлиши мумкин. Бунда аннуляция, деган тушунча ҳам ишлатилади. Аннуляция деганда, туристнинг ёки туроператорнинг ёзма равишда шартномада қайд этилган мажбуриятларни бажармаслиги тўғрисидаги хати тушунилади.

Туристтик хизмат кўрсатиш иккига, яъни асосий ва қўшимча гуруҳларга бўлинади. Қўшимча хизматлар учун қўшимча ҳақ тўланади. Мамлакатимизда юритиладиган статистика амалиётида бўларнинг барчаси тегишли тарзда, ҳар бир гуруҳлари бўйича ҳисобга олиб борилиши лозим.

Кўриниб турибдики, ҳозирги замон туристик ва меҳмонхона индустрияси кескин ривожланиш босқичида, аммо уларнинг фаолиятини такомиллаштириш объектив заруриятга айланиб бормоқда. Бироқ, уни замон талаби даражасида олиб бориш учун ҳали бир қанча муаммолар мавжуд эканлигини кўрдик. Демак, уларни ҳал қилиш масаласи ҳам мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаёти учун ўта муҳимдир.

Фойдаланилган адабиёт рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.08.2019й. ПФ-5781-сон Фармони.
2. “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси” ЎЗР Президентининг 05.01.2019й. ПФ-5611-сон Фармони.
3. Мухамедов З.М. “Туризмни инновацион ривожлантиришда инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини ошириш”. Самарканд, СамИСИ, 2021й.,-Б.18.
4. Муминов Н.Г. “Перспективы развития государственного управления в сфере туризма в Узбекистане», ж.»Экономика и финансы, 2022г. №5, с. 2-10.
5. Рузиев С. «Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш масалалари», ж. “Экономика и инновационные технологии”, 2023г. №6, с. 367-275.